SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 15-APREL ■ SESHANBA ■ 48 (27.068) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Орол муаммосига бағишланди

Маълумки, Орол денгизининг қуриши оқибатида шамол ҳар йили теварак-атрофга 100 миллион тонна турли зарарли моддаларни сочади. Бу эса одамлар саломатлигига путур етказмоқда, экинзорларнинг иккиламчи шўрланишига олиб келмоқда. Орол муаммоси бугун фақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё учун эмас, балки Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларига ҳам дахлдор масаладир. Бу эса экологик кулфат оқибатларини бартараф этишда халқаро ҳамжамиятни ҳамкорликка даъват этади, албатта.

Бухоро шаҳрида «Орол денгизи ҳавзаси» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам ана шу даъватнинг меваси, десак хато бўлмайди. Бу нуфузли анжуман Франциядаги халқаро «ИНТАС» ассоциацияси, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази шаъфелигида ҳамда Франция, Германиядаги қатор ташкилотлар ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган етакчи олимлар, экологлар иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари Оролни қутқариш, воҳада экологик вазиятни яхшилаш юзасидан барчани ҳамжиҳатликка чақирувчи ҳужжатлар қабул қилдилар. «ИНТАС» дастурига кирган юмушларнинг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун янада фаолроқ бўлиш лозимлиги уқтирилди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

● ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ҚУДРАТИ



Аслида ҳаммамиз Ватан ҳимоячисимиз. Бироқ аскар, сержант, зобитлар эса бу тушунчани бизга қараганда юз карра ортиқ масъулият билан ҳис қилишади, англашади.

Тўғри, ҳарбийда хизмат қилаётган ўғлон кучли, жисмонан бақувват бўлиши керак. Мерганлик — аскар учун муҳим фазилат. Мураккаб техникаларни эгаллаб, ҳарбий қурилмаларни моҳирлик билан ишлатиш, замонавий алоқа ускуналарини пухта билиш, ҳавода, сувда ва қуруқликда қўлланиладиган мудофаа тизимларини тўлиқ ўзлаштириш профессионал армия ҳарбийлари учун ўта муҳим, ҳаётий зарурат. Аммо миллий армиямиз қудрати фақат шу билан белгиланмайди. Аскарларимиз қон-қонига, жон-жонига ватанпарварлик туйғуси сингиши зарур. Аскарларининг маънавияти юксак армия кучли бўлади. Бир гап билан айтганда, шижоатли ҳарбийларимиз кимки, нимани ҳимоя қилаётганини онгли равишда ҳис қилишлари лозим.

Ҳозир ҳарбий ислоҳотларнинг муҳим босқичи амалга оширилаяпти. Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаяпти. Унинг таркиби мутлақо янгича асосда ташкил этилаяпти. Энг кичик гуруҳдан тортиб, то бригадагача қайтадан тузилиб, ҳарбий округ, махсус қисм ва бўлинмалар ташкил қилиш тизимдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишига айланаяпти. Сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрлар тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва стимуляция марказлари фаолияти шакллантирилиб йўлга қўйилиши албатта, муҳим аҳамиятга молик. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтириш, армияни ислоҳ қилишнинг асосий бўғинларидан бири маънавият ва маърифат эканлиги Президентимизнинг **«Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир...»** китобида таъкидлаб ўтилди.

Мазкур рисола билан танишиб чиққан оддий аскардан тортиб, қисм командирларигача барча ҳарбийлар, қолаверса, юртимизнинг ҳар бир фуқароси чин маънодаги етук қўшин қандай бўлиши кераклиги ҳақида яққол тасаввурга эга бўлади. Китобда ҳарбийларнинг онги-шуури, қалбини маърифат нури ёритиш, маънавий янгиланишлар эвазига миллий армиямизнинг куч-қудратини оширишга эришишимиз муқаррарлиги ҳаётий мисоллар билан аниқ ва лўнда қилиб, тушунарли тарзда ифодаланади.

Армиямиз куч-қудратли бўлиши керак. Лекин армиянинг куч-қудрати, қайси жиҳатлар билан белгиланади? Мазкур китобдан маънавий-маърифий таълим-тарбия армия қудратининг пойдевори эканлигини англаймиз. Юртбошимиз: **«...армиянинг куч-қудратини тўла намоён этиш учун аввало ҳарбийларимиз, аскар ва офицерларимиз — Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган мард ўғлонларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш энг долзарб вазифамизга айланиши даркор. Токи улар мана шу кенг далалар, қадрдон қир-адирлар, мусаффо осмон, шу гўзал ҳаётни ўзи ва оиласи, келажак авлодлар учун ҳам бегубор ва боқий сақлашга масъул эканини теран ҳис эта олсин»,** деб ёзади.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши ҳам Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларнинг бирида навбатдаги давра суҳбатини ўтказди. Унда Президент китобини кенг жамоатчилик орасида, тарғиб қилишга эътибор қаратилди айниқса, ҳарбийлар ҳаётида муҳим дастуриламал эканлиги таъкидланди.

Йиғинда нафақат ҳарбийлар, Республика Тасвирий оина ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Камолот ЁИҲ вилоят кенгашидан ҳам вакиллар, Зангиота тумани «Қуёшли» маҳалласи фуқаролари иштирок этишди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, таниқли журналист Қуддус Аъзам ўз маърузасида китоб моҳиятига тўхталиб, она юрти, ўз халқи ва тупроғи ҳимоячиси бўлишга лойиқ ва лаёқатли ўғлонлар учун ҳарбий хизмат шарафли бурч эканлигини таъкидлади. У куни кечаги истибдод даврида ўзбекистонлик ўғлонларнинг нечоғлик камситилгани, уларнинг аксар қисми қурилиш батальонларида хизмат қилганлиги, «Ватан ҳимояси» иборасининг ҳам мавҳум бир тушунчага эга бўлганлигини факт ва далиллар асосида ҳикоя қилди.

Йиғин давомида аскарларнинг ўзлари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қувонарли томони шуки, оддий аскарлар ҳарбий хизматни мажбурий хизмат деб эмас, балки энг олий шараф деб билишмоқда. Буни шу учрашув чоғида аскарлар билдирган жонли ва теран хулосалардан ҳам сезиш мумкин эди.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ, Беҳзод ШУКУРОВ**






## Янги ҳаво йўналиши



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Ил-76» юк самолёти янги жорий этилган Тошкент-Ярославл йўналиши бўйлаб Ярославлнинг «Туношна» аэропортига келиб қўнди. Унга таъмирталаб авиадвигателлар ортилган эди.

Мана ўн йилдирки, юртимиз самолётсозлари ўз авиадвигателларини Ярославлнинг «Сатурн» илмий ишлаб чиқариш уюшмасида таъмирдан ўтказадилар. Шу кунгача авиадвигателлар бу ерга Москванинг Домодедово ва Шереметьево аэропортлари орқали келтирилар эди. Тошкент — Ярославл йўналишининг жорий этилиши эса ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартирди. «Туношна» аэропорти ёнилғи ва вақтинчалик омборлар таннархининг арзонлиги билан ҳам афзалдир.

Айтиш жоизки, ярославлликлар мамлакатимиз корхоналари, шаҳар ва вилоятлари билан турли даражада яқиндан ҳамкорлик қилишади. 2001 йилда Ярославлнинг мамлакатимиз ҳудудлари билан олиб борган умумий савдо ҳажми 8 млн. АҚШ долларидан ортган.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА.**

## Қонунлар ижроси назоратда

Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги «Меҳрибонлик уй»лари, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларга таълим-тарбия беришнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ушбу вилоятлардаги комиссиялар томонидан муайян ишлар қилинган. Масалан, Андижон шаҳридаги ёшларни соғломлаштириш мақсадида «Шерзод» спорт клуби ташкил этилиб, унда ҳозир 500 нафардан ортиқ вояга етмаганлар, жумладан 60 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари жалб этилган.

Наманган вилоятида ота-она қаровидан жудо бўлган ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга бепул дарсликлар, кийим-бош берилган. Вилоятдаги етим ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига халқ таълими бошқармасининг «Мураббий» жамғармаси ҳисобидан омонат дафтарчалари очилганлиги ҳам хайрли.

Фарғона вилоятида эса вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш борасида Марғилон шаҳар марказий истироҳат боғида жойлашган болалар спорт зали 1,5 млн. сўмга қайта таъмирланиб, ўқувчиларни ушбу спорт мажмуасига кенг жалб қилиш, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилган. Ёз ойларида кам таъминланган оила фарзандлари учун дам олиш оромгоҳларида вояга етмаганлардан 500 нафарининг соғломлаштирилиши таъминланган.

Шу билан бирга бу уч вилоятда ҳали болалар махсус тарбия муассасаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашда жиддий камчиликлар борлиги таъкидланди. Жойлардаги комиссиялар томонидан мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## Австралия террорчилик ташкилотларининг янги рўйхати

Австралия парламенти мамлакатда мавжуд халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатига яна олти янги гуруҳни киритди. Улар сирасига «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўда билан бирга «Усбат ал-ансор», «Адан ислом армияси» ва бошқалар кирди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ, мазкур ташкилотлар фаолиятига у ёки бу шаклда дахлдор бўлган ҳар қандай австралиялик фуқаро 25 йил муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, Австралия «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўдани халқаро террорчилик глобал тизимининг узвий бўлаги бўлмиш ўта хавфли террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритган давлатлар қаторидан жой олди.

Пировардида айтиш жоизки, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш гуруҳ фаолиятини ман этиш тўғрисидаги қарор муқаддам дунёнинг қатор мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канада ҳамда БМТ томонидан қабул қилинган эди.

**«Жаҳон»АА**

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## Бола, тарбия, ота-она

### ҚОБИЛ ФАРЗАНДЛАР МАМЛАКАТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, КЕЛАЖАГИДИР

Яқинда бир танишим газетамизда болалар тарбияси бўйича босилган мақолага ўз эътирозини билдириб қолди. Мақола «бозорчи болалар» ҳақида эди.

— Болалар бозорда тирикчилик қилишса, нимаси ёмон бунинг?! — деди у. — Қайтага савдони ўрганишади-ку!

Унга болаларнинг ҳозир ўқиши, пухта билим олиши, касб-ҳунар, хорижий тилларни ўрганишлари зарурлигини айтдим. Барибир унга тушунтириш қийин бўлди. Сўнг гап айланиб бола тарбиясида ота-она ва маҳалланинг ўрнига бориб тақалди. Шу масала юзасидан кўп одамлар билан суҳбатда бўлдик.

— Мамлакатимизда тарбия масаласига бугуннинг долзарб вазифаси сифатида қараб келинмоқда, — дейди болалар учун бир неча китоблар ёзган, ҳозирда 63 ёшни қаршилаган бўлсалар-да, ҳамон болалар деб яшаётган отахон Тоҳир Муллабоев. — «Маҳалла тарбияси» деган ибора тобора оммавийлашиб бормоқда. Қадимданоқ ота-боболаримиз: «Бир болага етти қўшни ота-она», деб қарашган. Бу мақолни жуда кўп такрорлаймиз...

— Аммо, — дея у кишининг сўзини бўламан беихтиёр, — ҳозир бу мақолнинг моҳиятини англамай «Болам билан сенинг ишинг нима» дейдиганлар ҳам бор.

— Тўғри, — дейди у киши ўзбекона лутф ва мулойимлик билан, — бундайлар бор. Лекин шу одамлар жиззакиликлари билан ўзларига ташвиш сотиб олаётганларини ҳам тушунишлари керак. Чунки қўни-қўшни бир-бирининг боласини яхши билса, бир-бирига меҳр қўйса, бундай маҳалладан ўғри, жиноятчи чиқмайди.

— Қандай оилалардан ёмон болалар чиқади, деб ўйлайсиз?

— Оилага нопок йўл билан маблағ олиб кирмаслик керак: бола ҳалол луқма билан катта бўлсагина, комил инсон, хушхулқ йигит даражасига етади. Бозорларга боринг, айрим худобехабарлар тарозидан уриб қолишади, минг бир ёлғон гапириб, молини сотишади. Шулардан биттасини биламан, сира бири икки бўлмайди. Топгани сувга оқади. Шу ёшга кириб, бундайларнинг ҳаётдан баҳра топганларини, ўғрининг бойиганини, ёлғончининг обрў қозонганини кўрган эмасман. Кўрганлар бўлса, айтишсин.

— Айрим оилаларда ота-оналар фарзандларини китоб ўқишга ўргатишмайди. Ваҳоланки китоб буюк тарбиячи. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз?

Тоҳир ака жонланиб дейди:

— Оилада китоб ўқиш маданиятини шакллантирган ота-она бола тарбиясида қийналмайди.

«Одамзот наслининг улуғлиги билимдан, — деб ёзган эди Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг дунёга машҳур асари «Қутадғу билиг»да.

**Ўқув қайда бўлса,**
**улуғлик бўлар,**
**Билим кимда бўлса,**
**буюклик олар».**

Бу сўзлар ёзилганига минг йилдан ошган бўлса-да, ҳамон биз уларни ҳозир айтилган насиҳатдай жон қулоғимиз билан эшитамиз, ҳатто насиҳатни жини ёқтирмайдиган зиқна замондошим ҳам бунга тан беради.

2-бет →

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 15 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:****

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 583,26 | 1 Польша злотийси | 245,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1517,09 | 1 СДР | 1317,35 |
| 1 Дания кронаси | 139,93 | 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 БАА дирхами | 263,01 | 1 Швейцария франки | 693,81 |
| 1 АҚШ доллари | 965,99 | 1 ЕВРО | 1038,44 |
| 1 Миср фунти | 167,13 | 10 Жанубий Корея вони | 7,89 |
| 1 Исландия кронаси | 12,42 | 10 Япония иенаси | 80,15 |
| 1 Канада доллари | 664,82 | 1 Россия рубли | 30,88 |
| 1 Хитой юани | 116,70 | 1 Украина гривнаси | 181,10 |
| 1 Малайзия ринггити | 254,24 | | |

**** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# Бола, тарбия, ота-она

## ҚОБИЛ ФАРЗАНДЛАР МАМЛАКАТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, КЕЛАЖАГИДИР



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масаланинг иккинчи томони, болага билим беришда, касб-ҳунар ўргатишда унинг ёши ва лаёқатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Президентимиз И.Каримов республика Олий Мажлисининг IX сессиясида: «Бола 1-4-синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак?» деган жуда муҳим саволни ўртага қўйган эди. Ана шулардан келиб-чиқиб қарайдиган бўлсак, бу борада қатор ижобий ишларимиз, албатта бор.

Юнусобод туманидаги «Дўмбоқча» болалар боғчасида, қатор мактабларда бўлганимизда, тарбиячилару устозларнинг бола тарбиясида муҳим ўрин тутувчи ана шу жиҳат тўғрисида айтган сўзлари менда илиқ таассурот қолдирди. Шу ўринда Ойбекнинг «Бола Алишер» асаридаги Али бобо ва Алишер билан най воқеасини эсладик. Али бобо ёш Алишерга Жалолиддин Румийнинг:

**«Тинглагил найдан,**
**ҳикоят айлаюр,**
**Ул жудоликдан**
**шикоят айлаюр»,**

деган мисраларини ўқиб беради. Ёш Алишер бунинг маъносини сўраганда: «Ўғлон, ёшсен, фурсати келгач, ўз фаҳминг бирла билиб олурсен», дейди.

— Умуман, бизда аниқ мақсадлар билан бола тарбияси борасида самарали ишлар олиб борилаётгани қувонарли, — дея фикрини билдиради «Дўмбоқча» болалар боғчаси мудираси Дилшода опа.

— «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган гапларни юз фоиз ёқлайман. Биз тарбиялаётган болалар орасидан, насиб этса, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби улуғ инсонларнинг етишиб чиқишига, уларнинг она Ўзбекистонни кўкларга кўтаришларига ишонаман.

Милодий VII асрларда Самарқандга келган Хитой элчиси Вей Цзе кундалигидан:

«Кан (Самарқанд) подшолигининг одамлари савдогарчилик қилишга эпчил. Ўғил бола беш ёшга тўлгач, унга савод ўргата бошлайдилар, китоб танийдиган бўлиб қолгандан кейингина савдо-сотиқ ишларини ўрганишга юборадилар».

Кўчирмадаги «китоб танийдиган бўлиб қолгандан кейин» деган гапда катта маъно бор: демак, бу пайтда бола камида 19-20 ёшда бўлади. Бунгача у қуйидагиларни:

— улуғлик ақл ва билим орқали келишини;

— сўзлашиш, муомала одобини;

— юлдузларга қараб йўл топишни;

— сиҳат-саломатлигини сақлай билишни;

— бир неча ҳунарларни: бичиш-тикишни, отда юришни, сузишни, камон отишни, устачиликни;

— меҳмон кутмоқ ва меҳмонга бориш одобини;

— мусиқий асбобларни чалишни;

— ўзга мамлакатлар савдо аҳли, ҳокимлари билан муомала қилишни ва ҳоказоларни билиши шарт бўлган.

Халқимиз: «Бир таёқни синдирмоқ мумкин, аммо кўп таёқни букиб ҳам бўлмас», дейди. Худди шундай кўп ҳунари ва билими бор киши ҳаётда унчамунчага қоқилиб ҳам қолмайди, ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кетишни уддалайди. Шунинг учун ҳам халқимиз йигит-қизларнинг илму ҳунарли бўлишларига етарли эътибор қаратган. Ҳатто ота ўз ўғлини устага шогирдликка топширар экан, «эти сизга, суяги бизга» дея икки томоннинг масъулиятини оширган. Демокритнинг: «Оталар донолиги болалар учун чинакам сабоқдир» деган сўзи ҳам шунга яқин. Бальзак эса: «Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир» — дея оилада ҳар икки томоннинг бола тарбияси, унинг касб-ҳунар эгаллаши учун масъул эканликларини жуда содда ва аниқ ифодалайди. Қайси дононинг, улуғнинг сўзларига эътибор берманг, уларда инсон, унинг тарбияси бош масала сифатида гавдаланади. Биз эса уларни ўрганамиз, ҳаётга татбиқ этамиз, керак бўлса, улардан сабоқ оламиз. Ён-атрофимизда ўқиб-ўрганиб, ҳаёт кўриб, инсонларга меҳр бера оладиган ажойиб кишиларни кўрганингизда, қалбингиз тўрида шодлик қуёши нур соча бошлайди. Пойтахтимиздаги «Лабзак» маҳалла чойхонасида кўпдан буён бир ажойиб ҳолатни кузатаман. Чойхона эгаси Иброҳим ака Отажонов деган қўли доим кўксида, юмшоққина, майиздек бир одам. Қайси куни: «Отахоним кетиб қолдилар-а, ҳай аттанг-га, бир пиёла чой беролмадим-а!» деб қолдилар. «Отахон ким? Оталаримикин?» деб ўйладик. Бошқа куни чойхонада ўша отахонни кўрдик. Иброҳим ака елиб-югуриб хизмат қилиб юрибдилар: ҳали чой келтирадилар, ҳали қазили шўрва, нон... хуллас чолнинг атрофларида гирди-капалак бўлиб айланади. Отахон деганимиз — бу йил муборак 90 ёшни қаршилаган Йўлдош Қодиров деган киши экан. У киши билан биз анча суҳбатлашдик. Беш ўғил, бир қизлари бор. Катта ўғиллари 65 ёшда.

Биз у кишидан ўғиллари ҳақида гапириб беришни сўраймиз. «— Бешаласи ҳам эгаллаган касб-ҳунарлари орқасидан ризқ-рўзини териб юрибди, — дейди у киши. — Каттаси ҳалиҳамон телеустахонада ишлайди, биттаси электр соҳасида, яна биттаси телефон тармоғида хизмат қилади. Хуллас, болам, касбли одам хор бўлмайди... Лекин мен, бозорда арава тортиб юрган ёш-ёш ўспиринларга қараб, шу ёшлар умрларининг олтин даврида ҳунар ўрганишса бўлмайдими, деган ўйга бораман. Битта маҳалладан бир яхши номдор одам чиқса, ҳамма фахрланади ундан. Хўп, номдор ҳам бўлмасин, наққош, дурадгор ё заргар бўлсин. Ҳунари орқали у қанчадан-қанча маҳалладошларининг оғирини енгил қилиши мумкин. Илгари косиблар, пичоқчилар, этикдўзлар, чилангарлар маҳаллалари бўларди. Тери ошловчилар бўлардики, чарми оёқни терлатмасди, касал қилмасди. Шу касбларни ўрганишса ёмонми?! Ҳукуматимиз ҳамма шарт-шароитни яратиб қўйган бўлса?! Коллеж, академик лицейлар! Ёки ўша йигитлар... йигитчалар спортнинг бирор тури билан шуғулланишса, садақалари кетадими?!»

Яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси Малика Раҳмонбекова билан суҳбатлашдик. У ҳозир Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг биринчи курсида таҳсил оляпти. «Мақсадим таржимон бўлиш, — дейди у. — Фаранг маданиятининг энг сара асарларини она тилимга таржима қилиш ниятидаман».

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 322-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Наргис Жумаева ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шундай фикрлар билдирган: «Наргис ҳам шеърият чаманзорида эрка капалакдай қанот қоқаётган бир асалгина қизча. Ёши мустақиллигимиз, ҳурриятимиз ила тенг. Унинг олдида ҳали қанчадан-қанча баҳорлар, қанча гўзал китоблару не-не орзулар бор. Ҳаётда бахту иқболини берсин, деймиз».

Наргис ҳозиргача иккита — «Мен учишни истайман» (2001), «Тенгдошим» (2002) китобларини чоп эттирди. Ўн икки ёшли қизчанинг фикрлашларини, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кўриб, беихтиёр Нодира, Увайсийларни эслайсиз.

— Қиз бола тарбияси нозик иш, — дейди Наргиснинг онаси, уй бекаси Салтанат Амирова, — дадаси билан аввало биз унинг қизиқишларини ҳисобга олдик. Қарасак, унинг адабиётга ҳаваси катта.

— Бу, сиз туфайлими?

— Йўқ, дадаси туфайли. У киши ҳам бир пайтлар шеър ёзар эдилар.

Наргиснинг ўзи ҳам отасидан кўп нарса ўрганганини ҳақида ғурурланиб гапирди. Унинг одобли ва чиройли сўзлаши қалбингизга хушкайфият уйғотади. Зеро, бир ҳадисда: «Либосларингизни чиройли қилинглар... Юздаги холдек одамларга намуна бўлинглар!» Наргис синфдошлари, дугоналарию мактабдошларига, устозларию ота-онасига обрў келтираётган, кўпчиликка намуна бўлаётган экан, унинг чиройли ишларидан мамнунлик ҳиссини туясиз.

Наргис-ку иккита китобини чиқарибди, лекин минг олтин тангага Темурбек бир парча қоғоз сотиб олганда ҳам Муҳаммад Тарағай хуноб бўлмаган эди. Ўша қоғозда бор-йўғи бир рубоий бўлиб, унда: «Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди, Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир», деган сўзлар ёзилган эди.

«Кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг олтинға олғон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур», дейди отаси.

Милоддан аввалги 157 йилда бошланган Самовий балиқ даври бугунга, яъни 2003 йилга келиб ўз ниҳоясига етди. Яхшилик билан бошланган Қовға даври эса 2160 йил давом этади. Фалакшуносларнинг айтишларича, қовға биринчи навбатда, руҳий интилишлар тарафдори. Инсон бу даврда ўзига янада теранроқ қарай бошлайди. У унутилаётган энг яхши анъаналарни қайтадан такомиллаштириб, ҳаётга жорий этишга, фақат ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам яшашга интилади.

Орамизда даврни тўғри англаб, элини, миллатини, болаларининг келажагини ўйлайдиган заҳматкаш, фидойи, чинсўз одамлар кўп. Ана шу одамлар тарбиялаётган ўғил-қизлар бугун юртимиз фахрига айланмоқдалар, шубҳа йўққи, айнан улар эртага мамлакатни бутун дунёга танитадилар, обрўсини сарбаланд қиладилар, зеро қобил фарзандлар мамлакатнинг эртанги куни, келажаги ҳамдир.

**Тўлқин ҲАЙИТ**

## Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йил 15 апрелдан 15 майгача «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар кўриш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мазкур ойликнинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, ойлик давомида транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, жамоат транспорти ва аҳоли тўпланадиган жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақидаги реклама ёзувларини жойлаштириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш масалалари ҳам диққат марказида бўлади.

Ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш унинг муваффақиятини таъминлаш омилларидан бири эканлиги фармойишда алоҳида таъкидланган.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Халқаро Молия корпорацияси (IFC)нинг ЮСАИД лойиҳаси мутахассислари билан ҳамкорликда ўтган семинари**

## Лизинг — молиялаштиришнинг муқобил усули

мавзуида бўлди. Унда Халқаро Молия корпорациясининг тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Марказий Осиёда Лизинг тараққиёти ва ЮСАИД («Прагма» корпорацияси) лойиҳалари мутахассислари иштирок этдилар.

Халқаро Молия корпорацияси жаҳон банки гуруҳининг мустақил сармояли бўлинмаси (айни пайтда у жаҳонда кўп тармоқли йирик сармоядор) бўлиб, ўтиш даври иқтисодиётида дунё мамлакатлари хусусий секторларига кредитлар ажратади ва уларни ҳиссасига қараб мунтазам молиялаштириб боради. «Прагма» корпорацияси эса ЮСАИДнинг Марказий Осиёда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бевосита амалиётга жорий этади.

Ана шу икки нуфузли ташкилот ҳамкорлигида ўтган семинарда мамлакатимиз Олий Мажлисининг X сессиясида лизинг тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, солиқ ва бухгалтерия ишларида лизинг операциялари борасидаги янгиликлар ҳақида гап борди. Шунингдек, лизинг операцияларида кредит таҳлилларини оқилона ўтказиш ва лизинг маркетинги хизматини тўғри ташкил этиш жараёнларида муайян келишувларга эришилди. Семинар иштирокчилари бугун Ўзбекистонда лизинг хизмати қай даражада ташкил этилганлиги билан ҳам қизиқдилар.

**Умиджон САТТОРОВ**

## Эндиги гап — кўкартириб олишда

Сирдарё вилоятида «Обод маҳалла йили» дастури доирасида катта ишлар олиб борилмоқда. Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Рауф Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, вилоятнинг барча маҳаллаларида бу йилги ободонлаштириш мавсуми давомида 7,5 миллиондан зиёд турли кўчатлар ўтқазилди, гулзорлар, хиёбонлар ташкил этилди, мавжуд мевали ҳамда манзарали дарахатларга эса шакл берилди. Эндиги гап — уларни кўкартириб олишда.

**Абдужалил УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Бозори чаққон сержило гиламлар

**Олмаликдаги Ўзбекистон — Эрон «Поёндоз» қўшма корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган гиламларнинг бозори эндиликда чаққон бўлиб қолди. Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш савдо шахобчаларига жўнатилаяпти. Олинаётган даромад корхона ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ишчи-хизматчилар муҳофазасини кучайтиришга йўналтирилмоқда. Йилнинг тўрт ойлик топшириқлари бу ерда апрель ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ ошириб уддаланди.**

✧✧✧

**Суратларда:** корхона лабораторияси мудири Дўйсунгул Абдураҳмонова билан расом-дизайнер Зафар Тошбоев безаклар жилоси ҳақида суҳбатлашаяпти; гиламчилик цехининг илғор ишчилари — Дилором Жалолова, Озода Алимқулова ва уста ёрдамчиси Зокир Даубеков маҳсулот сифатини кўздан кечиришаяпти.





Еркебой БОТИРОВ олган суратлар

## Банк тармоқлари кўпаймоқда

«Замин» банкининг Навоий вилоят бўлими тармоғи кенгайиб бормоқда. Яқинда вилоят марказида банкнинг янги тармоғи — кичик банк ташкил этилди. Бу эса Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш ҳамда якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларга қулайлик яратишга кўмаклашади. Шунингдек, аҳолининг бўш маблағларини банкка жалб этишга кенг шароит яратилди. Қисқа вақт ичида банк мижозлари сони 120 тага етди. Эндиликда Навоий шаҳрининг чекка сарҳади — «Восход» бозори ёнида ҳам банкнинг яна бир қўшимча тармоғини очиш мўлжалланаяпти. «Замин» банкнинг кенгайиши унинг айланма маблағи ва мижозлари сони ортишини таъминлаяпти.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ғузорнинг олтин терилари

Афсоналарда айтилишича, қадимда греклар узоқ Колхида давлатидан бахт ва барака келтирувчи олтин қўчқор терисини олиб келиш учун машаққат чекишган экан. Аммо Ғузор туманида бундай бебаҳо терилар юзлаб, минглаб етиштирилади. Наслли қоракўлчилик хўжалигидагина эмас, туман яйловларида аҳолининг ўзи ҳам чорва молларини парвариш қилмоқда.

Ана шулар ҳақида гапирар экан, туман ҳокими Холбобо Бозоров қачонки, қайта ишлаш корхоналари кўпайсагина, иқтисод юксалишини эътироф этади. Бу борада анча тадбирлар белгиланган. Ҳоким тилга олган тадбиркорлардан бири — Музаир Гаммуевдир. У раҳбар «Сўзана Мо» фирмаси ажойиб кийим-кечаклар тайёрламоқда. Фирма яқинда Санкт-Петербург шаҳридаги Италия-Финляндия қўшма корхонасига чарм буюмлар тайёрлашда ҳамкорликни таклиф қилди. Йилига 50 минг дона тери эвазига замонавий ускуналар олиш юзасидан битимга ҳам келинди. Бўлажак корхона учун яхши жой танланди. Маблағ ажратишда туман ҳокимлиги ёрдам беради. Демак, келгусида Ғузорнинг ўзида тайёрланадиган чарм маҳсулотлари олтин қўчқор терисидан афзал бўлади.

**Юнус УЗОҚОВ**

# Истеъмолчи ҳуқуқи ва манфаати — қонун ҳимоясида

Навоий вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ражаббой ТОШПЎЛАТОВ билан суҳбат

**— Ражаббой ака, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига кўра истеъмолчиларнинг белгилаб қўйилган ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимояланиши ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг (сотувчи, ижрочиларнинг) истеъмолчилар олдидаги жавобгарлиги қандай таъминланмоқда?**

— Сиз тилга олган Қонуннинг 4-моддасида истеъмолчиларнинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. 23-моддасида эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимояланиши белгиланган. Бу вазифани бажариш — маҳаллий ҳокимият органларига, шунингдек, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, «Ўздавстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси зиммаларига юклатилган. Шунингдек, ўз ваколат доирасида бошқа давлат органларининг ҳам жавобгарлиги эътироф этилган. Қонуннинг 30-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузиш мумкинлиги кўрсатилган.

Қонун қабул қилинганидан кейин ўтган вақт давомида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли органлар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди.

Сир эмас, ҳали-ҳануз кўплаб соҳаларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши ҳоллари учраб турибди. Кейинги пайтларда истеъмол товарлари бозорларида рақобатнинг вужудга келиши билан кўплаб ички ишлаб чиқарувчилар рақобатга дош беролмай қолишди. Ўнлаб корхоналар иқтисодий оғир аҳволга дуч келишди. Бозорларда ишлаб чиқарувчиси номаълум ва истеъмолга яроқсиз товарлар сотилиши кўпайди. Натижада, истеъмолчилар пешона тери билан топган пулларини мана шундай маҳсулотлар учун сарфлашига тўғри келмоқда ва оқибатда, кўплаб моддий зарар ҳам кўришмоқда.

**— Ўзингиз бош бўлган ҳудудий бошқарма фаолиятидан мисоллар келтирсангиз.**

— Ҳудудий бошқармамизга ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб 2001 йилда 28 та, 2002 йилда 34 та аризалар тушди. Уларнинг аксариятида айнан юқорида қайд этилган истеъмолга яроқсиз ва сифатсиз маҳсулотлар сотилиши ҳамда хизматлар кўрсатилишидаги тартиб-қоидалар бузилаётганлиги маълум қилинди. Берилган аризалар қонуний ўрганиб чиқилиб, барчаси истеъмолчилар фойдасига ҳал этиб берилди. Жумладан: 2001 йилда Навоий шаҳар М.Улуғбек кўчаси, 19-уй, 56-хонадонда яшовчи фуқаро Раззоқова Розия Иброҳимовна 2001 йилнинг 27 октябрида Навоий шаҳар Марказий универсал магазини (ЦУМ)дан оёқ кийимлари билан савдо қилувчи Римма исмли тадбиркордан 30000 сўмга аёллар туфлиси сотиб олганлиги, орадан 2 кун ўтмасдан туфлининг пошнасида ёриқ пайдо бўлганлиги ва 2001 йил 10 ноябрда ушбу туфлини сотган тадбиркорга туфлини алмаштириб беришни сўраганлиги, лекин сотувчи унинг талабини қондирмаганлиги тўғрисида ариза берганди. Ариза бошқарма ходимлари томонидан жойида ўрганилди ва берилган тушунтириш натижасида аризачига 30000 сўм пули қайтартириб берилди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Лекин аризаларни кўриб чиқиш жараёнида истеъмолчига касса ёки товар чеки берилмаётганлиги айрим ҳолатларда ишимизда қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундай аризаларни биз жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига юбордик ва улардан масала ижобий ҳал қилинганлиги тўғрисида жавоб хатлари олдик. Чунки, истеъмолчи ҳуқуқларининг поймол этилиши асосан **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонуннинг 10-моддаси бузилиши билан боғлиқ. Ушбу моддада **«Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади»** деб кўрсатилган. Бироқ, жойларда тузилаётган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларида истеъмолчига товар ёки касса чеклари берилиши ташкил қилинмаяпти. Масалан, шахсий транспортида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳайдовчи йўловчига чипта бермайди, буюм бозорида савдо қиладиган сотувчи истеъмолчига товар сотганлиги тўғрисида квитанция ёки бошқа кўринишдаги ҳужжат тутқазмайди, маиший хизмат ва умумий овқатланиш шахобчаларида ҳам аҳвол шу. Бу эса ўз навбатида нақд пулнинг вақтида банкларга тушмаслигига, натижада, бозорда нақд пулнинг кўпайиши ҳисобига товарларнинг қимматлашувига, охир-оқибат — истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол этилишига олиб келади.

**— Адашмасам, 1997 йилда вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлар бўлиб, бошқармангиз ташаббуси вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланганди ва ўша йилнинг май ойида ҳокимиятнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари»ни тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганди...**

— Тўғри. Қарор қабул қилингандан кейин республикада биринчилардан бўлиб, Хатирчи туманида ва Навоий шаҳрида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилди. Улар вилоят адлия бошқармасидан рўйхатдан ҳам ўтишди. Лекин жамиятлар талаб даражасида иш олиб боришолмади. Бошқа шаҳарлар ва туманларда эса бундай жамиятлар умуман тузилмади ҳам. Аниқроғи, аччиқ бўлса-да айтиш керак, ўша шаҳарлар ва туманларда бу ҳаракат негадир қўллаб-қувватланмади.

Қачонки, ҳукуматимиз томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштиришга ва унинг таъсир кучини оширишга қаратилган ўзгартиришлар қабул қилингач, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи эканлигини кўпчилик тушуниб етди.

Қисқасини айтсам, Қонунга бўйсуниш, унга амал қилиш — ҳар бир фуқаронинг, аввало, ўзини, қолаверса, халқи ва Ватанини ҳурмат қилиш демакдир. Шундай экан, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш — ҳар бирimизнинг бурчимиз, мажбуриятимиз, бошқача айтганда, фарзу қарзимиз.

**Суҳбатдош:**
**Абдумутал НОРБОЕВ**

● ОГОҲЛИК

# Ўзини асраганни...

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН МУҲОФАЗАЛАНИШНИ БИЛИШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Баҳорнинг қувончи, завқли томонлари кўп. Бироқ унинг ўзига яраша ташвиши ҳам бор: ёмғиру сели билан дарёларни ўзанларидан тоширади, хавф-хатарни юзага келтиради.

Кейинги тадқиқотлар ва кузатув натижалари шуни кўрсатмоқдаки, табиий офатлар сони ортиб бормоқда. Фарғона, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида кузатилаётган ҳолатлар бунга мисол бўла олади.

Маълумки, сел сувнинг механик фаолиятидан юзага келадиган мураккаб жараён бўлиб, турли омилларнинг (иқлим, гидрологик, геоморфологик, геологик ва бошқа) ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Унинг тарқалишида маҳаллий шароит, ҳудуднинг географик муҳити алоҳида ўрин эгаллайди. Узоқ муддатли жала ёғиши ва музликларнинг тез эриши дарё ўзанларидаги сув миқдорини кескин кўпайтиради. Натижада сув билан аралашган (қум, шағал, тош сингари жисмлар) оқим катта кучга эга бўлган офатга айланади. Шунинг учун селлар икки гуруҳга бўлинади: гляциал — музлик ва қорларнинг тез эриши ҳамда жалали — кўп миқдорда ёмғир ёғиши натижасида пайдо бўлган селлар. Сув тошқинлари табиий офатлар ичида катта талафотлар келтирадиган, аҳолини таҳликага солиб қўядиган ва қисқа вақт ичида шиддатли кечадиган туридир.

Республикамизнинг тоғли, тоғолди, дарё бўйларида яшайдиган аҳоли ва халқ хўжалиги объектларига катта хавф туғдирадиган табиий офатлардан яна бири бу ер кўчкиси — сурилмадир.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 мартдаги «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида айтилишича, 2002 йил декабрида республикамизнинг асосий ҳавзаларига ёққан ёғингарчилик миқдори ўртача йиллик меъёридан ортиқ бўлган.

2003 йил баҳор-ёз ойларида Сирдарё-Учқўрғон ва Учтепадан то Қайроққум сув омборигача сув миқдори 270 метр куб секунддан то 330 метр куб секундгача кўпайиши кутилмоқда. Кўп йиллик меъёри эса 256 метр куб секунддан ошмаган. Шунга ўхшаш Норин дарёсининг Тохтоғул сув омборигача 200-240 метр куб секундга етиши мумкин. Унинг кўп йиллик ўртача меъёри 152 метр куб секунд бўлган, шу каби бошқа мисолларни яна келтириш мумкин.

Хавфли геологик жараёнларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини кузатиш ҳамда ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хизмати (кузатиш Давлат хизмати) зиммасига юклатилган бўлиб, у ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 апрелдаги «Хавфли геологик жараёнларни кузатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматини ташкил этиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Олий Мажлис томонидан 1999 йилда қабул қилинган «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида амалга оширади.

Бу Давлат хизматининг маълумотига қараганда, алоҳида назорат остига олинган 415 та аҳоли пункти, 212 соғломлаштириш объекти ва 133 та автомобиль йўли, 53 канал қисми ҳамда 19 та тоғ руда ва гидротехника объектлари мавжуд.

Хавфли геологик жараён фаоллашиши мумкин бўлган зоналарда муҳофаза тадбирларида белгиланганидек ташиб бориладиган оғир юкни камайтириш ва қияликларни террасалаш (бўлакларга ажратиш) силжиш ва сел оқими тезлигини чегаралашга хизмат қилади. Бу ишларнинг ўз вақтида бажарилиши аҳолини ўз уй-жойларидан кўчиришни камайтиришга олиб келиши мумкин.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишда қўлланиладиган тадбирлар сифатида, хавфли зоналарнинг юқорисида жойлашган суғориладиган участкаларда сув таъминотини меъёр даражасида бўлишини қатъий назорат остига олиш, канал ва ариқ ўзанлари сув шимилишини камайтирадиган тадбирларни амалга ошириш, экиладиган экинларни алмашлаб экишни жорий этиш, қияликда қазиш ишларини олиб боришни тақиқлаш ва бошқа технологик тадбирларни қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, Сурхондарё вилоятида — 3 та, Қашқадарёда — 4 та, Тошкент вилоятида — 2 та, Самарқанд вилоятида — 3 та, Наманган вилоятида — 4 та, Фарғона вилоятида — 2 та ва Навоий вилоятида — 1 та янги сел омборларини барпо этиш ҳамда тўртта вилоятда ҳозир мавжуд 5 та сел йиғиш омборларини қайта таъмирлаш вужудга келиши эҳтимоли бўлган хавф-хатарга қарши курашда яхши самара берадиган омиллардан ҳисобланади.

Тошқин ва селларнинг пайдо бўлишида қўшни республикалар ҳудудларида бўлган табиий сув омборлари, гидротехника иншоотлари ҳам ўзига яраша хавф туғдиради. Назаримизда, бундай объектларнинг жойлашган ўрни, хавфлилик даражаси, кўлами тўғрисида батафсил маълумот берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аксарият ҳолларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳоли ўртасида маълумот йўқлигидан саросимага тушиш оқибатида талафот икки-уч баробар кўпайиб кетишига олиб келади.

Фикримизча, аҳолининг фавқулодда вазиятлар юз берганда ваҳимага тушмасликлари учун улар махсус курсларда ўқишини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш лозим. Ахир, бекорга айтилмаган-ку билмаслик — бу ожизликдир, деб.

Фуқароларимизнинг табиий офат юз берганда муҳофазаланиш қоидаларини билишлари ҳар қандай вазиятда ақл билан фаолият юритишга ўргатади, атрофдагиларни ҳам балоқазодан асрайди. Бунинг учун эса касби ва ёшидан қатъи назар табиий ёки техноген (ёнғин, портлаш, заҳарли моддаларнинг атрофга тарқалиши каби) ҳодисалар юз берганда улардан муҳофазаланиш қоидаларини ўрганиб боришни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

**Миржалил ЮНУСОВ,**
**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор**
**Раҳмон КЕНЖАЕВ,**
**кафедра катта ўқитувчиси, доцент**

# Ҳуқуқий ислоҳот ва матбуот

Жиззахда «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммо ва ечимлар» мавзуида минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий конференцияда Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, вилоят ва туман газеталари муҳаррирлари, марказий газеталарнинг вилоят мухбирлари, ҳуқуқий мавзуга ихтисослашаётган журналистлар, суд-ҳуқуқ тизими масъул ходимлари иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари **Бахтиёр Мирбобоев,** Олий суд судьяси **Нурулла Тўхлиев,** Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари **Шуҳрат Рўзиназаров,** республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари **Умурзоқ Бердиев** ҳамда Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Комилжон Баҳромов**лар маъруза қилдилар.

Маърузалардан сўнг, савол-жавобларга ўтилди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари билан ушбу тизим ходимлари ўртасидаги ҳамкорликка доир қизиқарли ва фойдали баҳс-мунозаралар бўлди, шу мавзуда қалам тебратаётган журналистларнинг ихтисослашиши, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммолари ҳақида кўпгина эътиборли фикрлар айтилди, таклифлар ўртага ташланди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**


# Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

## кимошди ва танлов савдоларини ўтказади

**2003 йил 18,25 апрель ҳамда 2,16 май кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларида:**

Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдириладиган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган, 41 та ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектарга тенг бўлган 1-12-сон ва 14-сон ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи ва сатҳи 0,02 гектарга тенг бўлган 13-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи

**0,04 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.**

**0,02 гектар ернинг бошланғич нархи — 824 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган, 332-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи. **Бошланғич нархи — 640 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган ер участкаларини якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларнинг эгалик ҳуқуқи:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 28-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 42-, 45- ва 46-уйлар олдида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-1 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 49-уй, сатҳи 0,018 га. бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,018 га. бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,018 га. бўлган ер майдони.

Спутник-2 мавзеси, 51-уй, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.

**0,03 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм**

**0,018 гектар ернинг бошланғич нархи — 428 400 сўм.**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган, 3 та ер участкасининг эгалик ҳуқуқлари, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 008 000 сўм.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши сотилади.

**Бошланғич нархи — 9 789 660 сўм ёки 13 060 АҚШ доллари.**

«Роз-Трейдинг» чет эл корхонасининг Қатортол бўлимига тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уйда жойлашган бино ва иншоотлари сотилади. **Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1-а уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари

**Бошланғич нархи — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.**

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз)

**Бошланғич нархи — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРДА:**

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари.**

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.**

**Шунингдек, 2003 йил 16, 23, 30 май кунлари бўлиб ўтадиган танлов савдоларига:**

Тошкент шаҳар, Юнусобод халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзесида жойлашган 245-сонли болалар боғчаси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 35 000 000 сўм ёки 50 332 АҚШ доллари**

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача ёшдаги болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача ёшдаги болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

**Савдолар соат 11.00 да бошланади.**
**Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалад пули тўланади.**
**Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхтатилади.**
**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр 16 А.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**


# ИРОҚ:

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

XORIJDA

# Талончиликнинг йўли тўсилади

## БУНИНГ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Коалиция кучларининг ҳарбий ҳаракатлари давом этмоқда. Ироқ армиясининг муҳим стратегик объектлари бир-бир қўлдан кетмоқда. Куни кеча Америка денгиз пиёдалари Бағдоднинг стратегик муҳим туманларидан бири — Ал-Мансурни эгалладилар.

Reuters хабарига кўра, бу туманда Ахборот вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги бинолари жойлашган. Сержант Девид Ричардснинг айтишича, Ироқ армияси ва кўнгиллилардан тузилган отрядлар мудофаа чизиғида кучли қаршилик кўрсатишса-да, туманни қўлларида сақлаб қололмадилар.

Шунингдек, шанба куни Америка қўшинлари 40 та ҳарбий техника ёрдамида Мосул шаҳрига ҳам кириб бордилар.



Мамлакатнинг кўп қисми диктатура тузумидан халос этилди. Қувайтда нашр этиладиган «Ал-Қабас» газетасида ёзишларича, Ироқ шимоли — Киркук шаҳри атрофидаги 408 та нефть қудуғи ҳозир Америка бўлинмалари назоратида. Улар ишга яроқли тарзда қўриқланмоқда (Ироқ экспорт қиладиган нефтнинг 40 фоизи Киркук қудуқларидан олинади).

Бироқ ачинарлиси шуки, Саддам Ҳусайн тузумидан озод этилган шаҳарлардаги дўконлар, музейлар, давлат идоралари ва ҳоказо жойлар аҳоли томонидан талон-торож қилиниши давом этмоқда. Жумладан, Sky News телеканали хабар беришича, Бағдодда бир неча банк, давлат муассасалари, 200 дан ортиқ дўкон ўмарилган ва айримларига ўт қўйиб кетилган. Шаҳардаги 10 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлган Ироқ миллий музейи ҳам талончилар нигоҳидан четда қолмади.

Киркук, Мосул, Басра шаҳарларида ҳам талончилик, ўғирлик авжга чиққан. Айрим савдо нуқталарининг соҳиблари эса талончиларни қўрқитиш учун ҳатто, қуроллардан фойдаланмоқдалар.

«Биз шаҳарда қонунчилик ва тартиб-қоида тезроқ ўрнатилишини, америкаликлар бизнинг дўконларимизни ўз ҳимоясига олишларини хоҳлаймиз», — дейди 7 қаватли кийим-кечак дўкони соҳиби Муҳаммад Ал-Шамай.

Унинг дўконидан ҳам кўп маҳсулотлар ўмарилган. Бағдоддаги энг ҳашаматли Rashid ва Mansur меҳмонхоналари эса ўғрилар томонидан талангач, ўт қўйиб кетилган. Бундай нохушликларга чек қўйиш мақсадида коалиция кучлари янги имкониятларни ишга солишга қарор қилди.

«Ҳозир Ироқ қатағонга асосланган тузумдан янги тузумга ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бундай пайтда тартибсизликлар юз бериши тарихда кузатилган. Биз Ироқ хавфсизлигини таъминлашда ёрдам беришга мажбурмиз», деди АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд. Шунинг учун ҳам Британия ҳарбийлари Басрада жамоат тартибини сақлаш мақсадида бугундан эътиборан маҳаллий полиция билан бирга патруллик қилишга киришди. Бу ҳақда Британиянинг Ироқдаги қўмондонлиги матбуот котиби Ал Локвуд хабар берди.

Бағдоднинг айрим туманларида эса маҳаллий аҳоли автоматлар билан қуролланиб, ўғрилик ва талончиликка қарши кўчаларда кузатув постлари ташкил қилмоқда. Улар ҳар бир автомобилни текшириб, ўғирланган буюмларни янги тузилажак тузум фойдасига мусодара этмоқдалар.

Генерал Винсент Брукснинг айтишича, АҚШ ҳарбийлари Бағдодда фуқаро инфраструктурасини тиклаш ишларига катта ёрдам бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ Марказий қўмондонлиги раҳбари, генерал Томми Фрэнкс талончи ва ўғриларга қарши қурол ишлатишни тақиқлаш тўғрисида Америка аскарларига буйруқ берди, дейилади BBC News телекомпанияси ахборотида. «Уларни отиб қўрқитиш билан эмас, балки тушунтириш билан бу йўлдан қайтариш лозимдир» деди генерал. Бағдоддаги АҚШ денгиз пиёдалари корпусининг бўлинмаси шаҳарда талончиликка йўл қўймаслик ҳақида махсус буйруқ олди. Бу ҳақда 3-батальон подполковниги Майкл Белкер ИТАР-ТАСС журналистига хабар берди. Унинг айтишича, мақсад давлат муассасалари ва касалхоналарни талончилар босқинидан қўриқлаш. Бу борада унинг қўл остидаги ҳарбийлар ақл билан иш кўражагига ишонч билдирди.

АҚШ маъмурияти қандай кўмак керак бўлса, ўз ёрдамини аямаслигини уқтирди. АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Ричард Баучернинг айтишича, шу кунларда 26 нафар полиция ва суд вакили Ироққа жўнатилмоқда. Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, адолатли суд тизимини йўлга қўйиш ишларида янги тузилажак Ироқ ҳукуматига ёрдам бериши кўзда тутилган ва умуман бу гуруҳ Ироққа жўнатилажак 1150 кишилик контингентнинг биринчи гуруҳидир. Reuters агентлигининг хабарига кўра, бу гуруҳ яқинда тайинланган генерал Жей Гарнер раҳбарлигидаги Ироқдаги фуқаролик маъмурияти таркибига қўшилиб, фаолият юритади. Бундан ташқари Ироқда тартиб ўрнатиш ва тинчликни сақлаш ишларига бошқа давлатлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга шошилмоқда. Жумладан, Дания Бош вазири Андрес Фог Рассмуссен 380 нафар ҳарбий ва 25 нафар полициячини Ироққа жўнатишга тайёр эканлигини билдирди. «Ҳукуматнинг бу ташаббусини мамлакат парламенти албатта маъқуллайди» дея ишонтирди у.

Канада Бош вазири Жан Кретьен «Новости» журналистларига шуни маълум қилдики, Канада ҳам ўз полиция бўлинмаларини Ироққа жўнатишга тайёрдир.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, жаҳон жамоатчилиги Ироқда содир этилаётган қуролли талончилик ва ошкора ўғирликлардан жунбушга келган. Шунинг учун ҳам Ироқ халқининг ўз қадриятлари ва миллий бойлигини сақлаб қолишга коалиция кучлари билан бирга жаҳон жамоатчилиги ҳам ҳисса қўшишга ошиқмоқда.

17 апрель куни БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича бўлими — ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида Ироқ маданий меросини сақлаб қолиш муаммоларига бағишланган халқаро экспертлар учрашуви ўтказилади. Бу ҳақда ўтган пайшанба куни ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 166-сессиясида қарор қабул қилинди. Учрашувда Ироқ халқининг маданий меросини асраб қолиш, уни келажак авлодларга етказиш масалалари муҳокама этилади. Бундан ташқари ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура яқин кунларда Ироққа махсус гуруҳ жўнатишни режалаган. Бу гуруҳ Ироқ аҳолисининг фан, таълим, маданият ва коммуникацияга бўлган талабини ўрганади ва шундан сўнг бу борада амалий ёрдамлар йўлга қўйилади.



Кўриниб турибдики, XXI аср тараққиёти бирор-бир халқнинг илм-фан, маданият, қисқаси, цивилизациянинг ёруғ оламидан мосуво бўлишига йўл қўймайди. Бу борада дунё кучларининг тезда бирлашиши кишини албатта, қувонтиради.

**Алимқул СУЛТОН**

## Америка байроқлари кўтарилмайди

Америка қўмондонлиги Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган ҳарбийларга АҚШ байроғини бирон-бир бино тепасига осмаслик ҳақида буйруқ берди. Ишғол қилинган ҳудудларда АҚШ байроғининг кўтарилиши акс таъсир кўрсатиши, яъни буни босқинчилик белгиси, дея талқин этишлари мумкин. Шунинг учун Умм-Қасрдаги бино, Бағдоддаги Президент саройи ва бошқа айрим объектларга осилган АҚШ байроқлари олиб қўйилди. Ўрнига Ироқ байроқлари осилди.

Ишғол этилган ҳудудларга АҚШ байроғини осиб, хатоликка йўл қўйилганини Америка қўмондонлиги тан олди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

## Элчи мамлакатни тарк этди

АР агентлиги маълум қилишича, Ироқнинг БМТдаги элчиси Муҳаммад Ал-Дури АҚШни тарк этди.

«Ҳозир Ироқда вазият жуда оғир. Бироқ уни ёруғ келажак кутмоқда», деди у «Ал-Арабийя» телеканали мухбирига берган интервьюсида. У Париждан Дамашққа ўтади. Ўша ердан Ироқдаги ўз қариндошлари тақдирини аниқлайди.

Араб дипломатларининг хабар беришича, Ал-Дури истеъфога чиқмайди. Ироқнинг БМТдаги ваколатхонаси эса ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ҳозир уни Саид Шаҳоб Аҳмад вақтинчалик бошқариб турибди.

## Расман эълон қилинди

Салкам уч ярим ҳафтадан бери давом этаётган Ироқдаги ҳарбий операцияларда коалиция кучлари 138 нафар ҳарбийсидан айрилди. Шундан 107 нафари АҚШ, 31 нафари эса Британия армияси вакилларидир. Пентагоннинг маълум қилишича, 107 кишининг 95 нафари бевосита жангларда ҳалок бўлган. 10 нафари бедарак йўқолган, 7 киши эса асирга тушган. 399 ҳарбий ярадор бўлган.

Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди.

# «Мулоқот» саҳифаларида



«Мулоқот» журналининг иккинчи сони академик Мурод Шарифхўжаевнинг шу кунимиз учун долзарб бўлган жамият ва шахс борасида мушоҳада юритилган «Даврни белгилаб берган шахс» мақоласи билан очилади.

Анъаналар давом эттирилиб, таҳририятда Президентимизнинг яқинда босмадан чиққан «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган 10-жилд асарлари тўплами тўғрисида давра суҳбати уюштирилди. Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари: академик Мурод Шарифхўжаев, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад, шунингдек, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова, Тошкент давлат маданият институти ректори Азиз Тўраев, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, тарих фанлари доктори, профессор Рустам Шамсутдинов мазкур китобда кўтарилган хавфсизлик, тинчликни сақлаш борасидаги фикрларнинг қанчалик муҳимлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Журналда Амир Темур ҳазратларининг таваллуд куни муносабати билан Ўзбекистон халқ шоири Б.Бойқобиловнинг «Соҳибқирон салтанати» мақоласи ва «Қутби миллат» шеъри эълон қилинган. Ушбу сонда журналнинг фаол муаллифларидан бири — А.Эшонқулов ёшлар муаммосига бағишланган «Таълимда тарбия, тарбияда таълим» мақоласи билан қатнашган. Журналхонлар шунингдек, М.Турсунованинг «Миллий таълим сарчашмаси», Н.Султоновнинг «Маънавий мерос ва касбҳунар», А.Айритомийнинг «Теран томирлар», Г.Наврўзованинг «Назар бар қадам — ҳаётбахш ғоя» сингари турли мавзулардаги қизиқарли мақолалар билан танишадилар

Журналнинг янги сонида навоийхонликни адабиётшунос олим Р.Орзибеков ўзининг «Камол эт касбким...» мақоласи билан давом эттиради. Журналист Н.Очиловнинг ахлоқ мавзуидаги «Ота дуоси» мақоласи ўқувчиларни мунозарага чорлайди.

Классик шеъриятимизнинг ёрқин сиймоларидан бири Амир Умархон «Девони Амирий»га ёзган сўзбошисида ўша давр ижодий жараёни ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам ушбу дебоча журналхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Шунингдек, тарихда катта ўрин тутган темурий шаҳзодалар ҳақидаги Ғафуржон Сатимовнинг «Аврангзеб» мақоласи ўқувчиларга манзур бўлишига ишонамиз.

Шеърият ихлосмандлари шоир Жонибек Субҳон ва Йўлдош Эшбекнинг янги шеърлари билан танишадилар.

«Мулоқот»га мактублар» рукнида мамлакатимизнинг турли жойларидан келган хабар ва янгиликлар берилган.

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

# БОТУЛИЗМ — хавфли касаллик

Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касалликдир. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади, асаб, мушаклар парези ва фалажига олиб келади. Ўз вақтида беморга тиббий ёрдам кўрсатилмаса, касаллик оғир оқибат билан тугаши мумкин.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (қийма, колбаса, балиқ), полиз маҳсулотлари ва мева консервалари касалликнинг келиб чиқишига омил бўлади. Мол сўйиш технологиясини бузиш натижасида мол ичагидаги ботулизм таёқчалари гўштга ўтиб кетади, худди шундай ҳолат балиқ тайёрлашда ҳам рўй бериши мумкин.

Консерва тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Бу ўринда қўзиқоринлар ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Гап шундаки, қўзиқорин ғовак бўлгани учун танасида ботулизм микроби қолиб кетиши ва ундан консерва тайёрлаганда микроблар сақланиб қолиши мумкин.

Консерва идишидаги кислородсиз муҳит ботулизм микробининг ривожланиши, кўпайиши ҳамда кучли заҳар-ботулинотоксин ажралиб чиқишига шароит яратади. Одам танасига тушган токсин ичакда тез сўрилиб, қонга ўтади, тўқималарни, аввало асаб тизими фаолиятини бузади. Айниқса, у бош мия тўқимасининг кислород билан таъминланишини сусайтиради. Мисолларга мурожаат қилганимизда, касалликнинг оқибати қанчалар фожиали эканлигини кўрамиз. Масалан, бир оила помидор ва бодрингдан ўзи тайёрлаган консервани истеъмол қилишади. Она тузлама сувини эмизикли боласига ҳам ичирган. Орадан бир неча соат ўтгач, бола безовталана бошлаган ва у эмаётганда олдин энтикиб, сўнгра эма олмай қолган, кўкариб кетган. Она касал болани эртасига эрталабгина шифокорга олиб борган.

Афсуски, врач ҳузурига етиб улгурмасданоқ бола нобуд бўлган. Шу куни оиланинг яна бир аъзоси — 4 ёшли ўғли ҳам кўз олди хиралашиб дармони қуриган, юрганида ҳарсиллаб, нафаси тиқилган. Она кенжа фарзанд билан овора бўлиб, бу ўғлига етарли эътибор беролмаган. Боланинг аҳволи тобора оғирлашиб, нафас олиши қийинлашган. Она ўғлини касалхонага олиб келганда унинг аҳволи жуда оғир бўлган. Болага зудлик билан тегишли ёрдам кўрсатилди, аммо фурсат бой берилганди, иккинчи фарзанд ҳам бир неча соатдан сўнг оламдан кўз юмди. Мурғак болалар ботулизм қурбони бўлдилар. Врачлар ботулизм аломатлари оиланинг бошқа аъзоларида ҳам борлигини аниқлаб уларни касалхонага ётқиздилар. Зудлик билан ёрдам кўрсатилиб, ҳаётлари сақлаб қолинди.

Бир оила бошига шунча кўргиликлар тушмаслиги мумкин эди. Бунинг учун консервага солинадиган маҳсулот яхшилаб тозаланиб, бир неча марта қайнатилган сувда ювилиши зарур. Баъзи бир уй бекалари бу талабларга бепарво қарашлари натижасида кўнгилсиз ҳолатлар юз бермоқда.

Демак, хулоса шуки, хавфли касалликнинг олдини олиш ўз қўлимизда.

**Гулмира КАРИМОВА,**
**Шайхонтоҳур туман давлат санитария назорати врачи**

ФУТБОЛ

# «Нефтчи»нинг сафардаги ғалабаси



Якшанба куни олий лига жамоалари XII миллий чемпионатнинг тўртинчи тур баҳсларини ўтказишди. Турнинг марказий учрашувларидан бири Зарафшонда «Қизилқум» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлди.

Тенг курашлар остида ўтган мазкур ўйин фарғоналиклар ғалабаси билан тугади — 0:1. 58-дақиқада Сергей Ни («Нефтчи») томонидан йўлланган тўп учрашув тақдирини ҳал қилди.

Термизда ўтказилган «Сурхон» — «Бухоро» ўйинида мезбонлар таркибида илк маротаба бразилиялик легионер Сильвио Сезар Гавиолли майдонга тушди. Яшил майдонда йигирма етти дақиқа ҳаракат қилган Сильвио Сезар мухлисларда илиқ таассурот қолдирди. У термизликлар киритган тўпларнинг бирига ҳаммуаллифлик қилди. Учрашув «Сурхон» ғалабаси билан якунланди — 2:1. Тўпларни Баҳриддин Ваҳобов, Баҳодир Аннаматов («Сурхон»), Ҳамза Каримов («Бухоро»)лар киритди. Агар Сарвар Шарипов («Сурхон») пенальтини аниқ амалга оширганида ҳисоб янада йирик бўлиши мумкин эди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Цементчи» — «Андижон» — 2:1, «Дўстлик» — «Қўқон-1912» — 3:1, «Гулистон» — «Навбаҳор» — 0:0, «Машъал» — «Трактор» — 5:0, «Металлург» — «Самарқанд-Д» — 1:0.

Бугун «Пахтакор» — «Насаф» ўйини билан 4-тур баҳслари ниҳоясига етади. Навбатдаги учрашувлар 19 апрель куни бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**4-турдан кейинги вазият**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 4 | 4 | 0 | 0 | 14-2 | 12 |
| 2. «Пахтакор» | 4 | 4 | 0 | 0 | 13-3 | 12 |
| 3. «Цементчи» | 4 | 2 | 1 | 1 | 5-4 | 7 |
| 4. «Дўстлик» | 4 | 2 | 1 | 1 | 5-4 | 7 |
| 5. «Насаф» | 3 | 2 | 0 | 1 | 6-2 | 6 |
| 6. «Самарқанд-Д» | 4 | 2 | 0 | 2 | 2-2 | 6 |
| 7. «Навбаҳор» | 4 | 1 | 3 | 0 | 5-3 | 6 |
| 8. «Сурхон» | 4 | 2 | 0 | 2 | 5-7 | 6 |
| 9. «Трактор» | 5 | 2 | 0 | 3 | 6-15 | 6 |
| 10. «Қизилқум» | 4 | 1 | 1 | 2 | 6-5 | 4 |
| 11. «Андижон» | 4 | 1 | 1 | 2 | 4-5 | 4 |
| 12. «Гулистон» | 4 | 1 | 1 | 2 | 3-8 | 4 |
| 13. «Металлург» | 4 | 1 | 1 | 2 | 3-9 | 4 |
| 14. «Машъал» | 4 | 1 | 0 | 3 | 6-5 | 3 |
| 15. «Қўқон-1912» | 4 | 1 | 0 | 3 | 4-10 | 3 |
| 16. «Бухоро» | 4 | 0 | 1 | 3 | 4-7 | 1 |

# Ватанпарварлик — олий фазилат

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Ходимлар ва хизматчиларнинг ўз Ватанига муҳаббат, халқига садоқат, бурчига фидойилик руҳида тарбиялашга, уларда ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотишга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий мавзулар дастури» ишлаб чиқди ва шу асосда жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказяпти.

Янгийўл шаҳрида «Ватанпарварлик — олий фазилат» мавзуида ўтказилган учрашувда республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Акрам Акмалов, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, ЎзМУ доценти, навоийшунос Нодир Ғаффоров сўзга чиқдилар ва йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар. Шунингдек, Оҳангарон шаҳрида «Мовароуннаҳр ватанпарварлари», Бекобод шаҳрида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуида тадбирлар бўлиб ўтди.

**Илҳом ЎТАНОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» маркази матбуот хизмати**



# Ҳикматли сўзлар маъноси

**БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ — СОМОНХОНАГАЧА**

Вар.: «Товуқнинг учгани — томгача». Бу мақолларни бировнинг имконияти, ҳол-қудрати чекланганлигини билдирмоқчи бўлганларида ёхуд бировнинг имконияти ва ҳол-қудратини менсимай, назар-писанд қилмай, ерга уриб, камситганларида айтадилар.

**БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ, КЎРПАГА ЎТ ҚЎЙМА**

Вар.: «Битга аччиғланиб, тўнингни ёқма». Бу мақоллар зиён-заҳмат етказувчи арзимаган нарсани йўқотаман деб, кўп нарсадан ажраб қолмасликка, арзимаган нарсани деб, яқин кишиларни қаттиқ хафа қилмасликка, улардан юз ўгирмасликка, «юз кўрмас» бўлиб кетадиган даражада гап-сўз ё хатти-ҳаракат қилмасликка даъват этилганда қўлланилади.

**БЎЙ-БЎЙЛАБ, ТЕНГ-ТЕНГЛАБ**

Мажозий маъноси: «Ҳар ким хоҳ дўстлашишда, хоҳ оила қуришда ҳар жиҳатдан ўз тенгини топиб олиши керак». Акс ҳолда дўстлик ҳам, турмуш ҳам бузилади, дейилмоқчи. Вар.: «Тенгсиз турмуш — тўйдан кейин бузилар»; «Бўйимдай бўй топдим, Ўйимдай ўй топмадим».

# «Сеҳрли ёғду» жилолари

Республика Таълим марказида мамлакатимиз мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Сеҳрли ёғду» кино ва фото ҳаваскорлари очиқ фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон киновидеоҳаваскорлар жамияти ҳамда республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази ташкил этган бўлиб, унда 150 га яқин иқтидорли ўқувчилар ўзлари олган фотосуратлар ва кинолавҳалари билан иштирок этдилар.

Мусобақа якунларига кўра, фото йўналишида «Энг моҳир иштирокчи» номинацияси бўйича бухоролик Авазбек Шариповга, кино йўналишида «Энг яхши кинофильм» номинацияси бўйича шаҳрисабзлик Элнур Пўлатовларга гран-при бош соврини насиб этди. Умумжамоа ҳисобидаги баҳсларда фото йўналиши бўйича Самарқанд вилояти, кино йўналиши бўйича Қашқадарё вилояти жамоалари биринчи ўринни эгаллашди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўзбек миллий киносига ва фото санъатига меҳр уйғотиш, кино-фото касбига ўқувчиларни йўналтириш ҳамда шу орқали ушбу соҳа ривожига ҳисса қўшиш, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишдан иборатдир.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Адиб хотираси ёд этилди

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси, атоқли маданият арбоби Абдулла Қодирий таваллудининг 109 йиллиги республикамизда кенг нишонланмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири адиб номи билан аталадиган Тошкент давлат маданият институтида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган йиғинни институт ректори Азиз Тўраев олиб борди. Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётидаги ўрни, унинг ўзбек маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида профессор Собир Мирвалиев қисқача нутқ сўзлади. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси республика кенгашининг раиси Наим Каримов «Абдулла Қодирий ва замонамиз» мавзусида чиқиш қилиб, адиб ҳаётининг ҳозирга қадар кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларига тўхталди.

Тадбир сўнггида келгуси йилда ўтказиладиган Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигига тайёргарлик кўриш адиб ижодига бағишланган илмий-назарий анжуман ўтказишга келишиб олинди.

**Содиқжон ЖЎРАЕВ**


BANK XALQ BANKI

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири**

**ХАЛҚ БАНКИ**

**Жисмоний ва юридик шахсларга «СВИФТ»**

халқаро тўлов тизими орқали уларнинг маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

Барча турдаги ўтказмалар энг қулай тариф асосида амалга оширилади.

Пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча филиалларида амалга оширишингиз мумкин.

*Тўлиқ маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат этишингиз мумкин: (3712) 78-84-38*


# «O'ZMETALLSAVDO»

**очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил учун баланси**

| АКТИВ | минг сўм | ПАССИВ | минг сўм |
|---|---|---|---|
| **1. Узоқ муддатли активлар** | | **1. Ўз маблағлари манбалари** | |
| Асосий воситалар: | | | |
| Дастлабки баҳоси (01) | 719678 | Низом жамғармаси | 353680 |
| Ишдан чиқиши | 408857 | Заҳира жамғармаси | 85193 |
| Қолдиқ баҳо | 310821 | Тақсимланмаган фойда | 24821 |
| Номатериал активлар: | | | |
| Дастлабки баҳо: (04) | 4095 | | |
| Ишдан чиқиши | 1628 | | |
| Қолдиқ баҳо | 2467 | | |
| Капитал жамғарма | 111475 | | |
| Узоқ муддатли молиявий жамғармалар | 51242 | | |
| **I бўлим бўйича якуний натижа** | **476005** | **I бўлим бўйича якуний натижа** | 414052 |
| **II. Айланма активлар** | | **II. Мажбурият** | |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари (10) | 21651 | Узоқ муддатли займ | 433305 |
| Товар | 131026 | Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар | 6151 |
| Келгуси даврлар учун харажатлар (31) | 239684 | Кредиторлар билан ҳисоб-китоб: | |
| Пул маблағлари | 11629 | Таъминотчилар | 124388 |
| Қисқа муддатли омонатлар | | Бюджет бўйича қарзлар | 48998 |
| Дебиторлар билан ҳисоб-китоб: | | Иш ҳақи бўйича қарзлар | 1679 |
| Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар | 3880 | Бюджетдан ташқари қарзлар бўйича тўловлар | 6533 |
| Бюджет билан ҳисоб-китоб | 2416 | | |
| Бошқа дебиторлар | 156650 | Бошқа кредиторлар | 75 |
| **II бўлим бўйича якуний натижа** | **559176** | **II бўлим бўйича якуний натижа** | **621129** |
| Баланс | 1035181 | Баланс | 1035181 |

*Бухгалтерлик балансининг ҳаққонийлигини «TSIAP AUDIT» МЧЖ аудиторлик фирмаси (лицензия № 00473 серия АФ 2001 йил 04.09 ЎзР. Молия вазирлиги) томонидан тасдиқланган.*

# «TEMIRYO'LTA'MIN»

**очиқ акциядорлик жамиятининг навбатдаги умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди**

**Маълумотнинг тартиб рақами — 09.**

*Акциядорларнинг йиллик умумий мажлисида қабул қилинган қарорлар:*

*умумий мажлис тури — йиллик;*

*умумий мажлисни ўтказиш усули — очиқ;*

*умумий мажлисни ўтказиш вақти — 2003 йил 4 апрель;*

*умумий мажлисни ўтказиш манзили — Тошкент шаҳри, Сирғали-4 мавзеси, Проектная кўчаси, Г-24*

*умумий мажлис кворуми — 115660 овоз — 90 фоиз.*

*Овозга қўйилган масалалар ва уларга овоз бериш якунлари:*

*1. «TEMIRYO'LTA'MIN» ОАЖ бошқаруви раисининг жамиятнинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2003 йилда жамиятни ривожлантириш бўйича бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботи.*

*Қарор қилинди: Бошқарув раисининг 2002 йилдаги фаолиятини қониқарли деб ҳисоблаш, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2003 йилда жамиятни ривожлантириш бўйича бизнес-режаси тасдиқлансин.*

*Овоз беришди: ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

*2. Йиллик ҳисобот ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.*

***Қарор қилинди:** йиллик ҳисобот ва бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115402 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 258 овоз.*

*3. Аудиторлик текшируви натижаларини ҳамда 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.*

***Қарор қилинди:** 2002 йил учун аудиторлик текшируви натижалари ва 2003 йил учун жамият аудитори тасдиқлансин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115510 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 150 овоз.*

*4. Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.*

***Қарор қилинди:** ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

*5.Фойдани тақсимлаш ва 2002 йил учун дивиденд миқдорини тасдиқлаш.*

***Қарор қилинди:** Жамиятнинг 2002 йилда кўрган соф даромадини тақсимлаш тартиби тасдиқлансин: фойданинг 5 фоизи заҳира фондини шакллантиришга йўналтирилсин, 85 фоизи эса дивидендлар тўлашга ажратилсин, соф фойданинг 5 фоизи эса дивидендларни ривожлантиришга йўналтирилсин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

*6. Кузатув Кенгаши аъзолари янги таркибига Ш.У.Тўлагановни сайлаш.*

***Қарор қилинди:** «TEMIRYO'LTA'MIN» ОАЖ Кузатув Кенгаши таркибига Ш.У.Тўлаганов сайлансин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

*7. Бошқарув раисини ёллаш тўғрисидаги шартномани 2003 йил учун узайтиришга қарор қабул қилиш.*

***Қарор қилинди:** Бошқарув раисининг ваколати 2003 йил учун узайтирилсин.*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

*8. Жамият низомига ва эмиссия лойиҳасига ўзгартиришлар.*

***Қарор қилинди:** Жамият низомига ва «TEMIRYO'LTA'MIN» ОАЖ эмиссия лойиҳасига ўзгартиришлар киритилсин (рўйхат берилмоқда).*

***Овоз беришди:** ёқлаганлар — 115660 овоз, қаршилар — 0, бетарафлар — 0.*

***Маълумотнинг тартиб рақами — 10.***

***Мансабдор шахслар таркибидаги ўзгаришлар.***

*Ўзгаришлар амалга оширилган бошқарув органининг номи — Кузатув Кенгаши;*

*Кузатув Кенгаши аъзоси сифатидаги ваколати тўхтатилган аъзо — Заҳриддинов;*

*Кузатув кенгашининг янги сайланган аъзоси — Ш.У.Тўлаганов;*

*Ўзгаришлар амалга оширилган вақти — 2003 йил 4 апрель;*

*Юқорида кўрсатилган ўзгаришларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилган эмитентнинг ваколатли органи — 2003 йилнинг 4 апрелида ўтказилган акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси.*

***Маълумотнинг тартиб рақами — 05.***

*Эмитентнинг қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган ва тўланадиган даромади.*

*Ҳисоблаб чиқилган ва даромад тўланадиган қимматли қоғозлар тури — оддий, эгасига, нақд бўлмаган акциялардир.*

*Ҳисоблаш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида эмитент қабул қилган қарор муддати — 2003 йил 4 апрель.*

*Дивидендларни бериш — 60 кун ичида амалга оширилади.*

*Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилган эмитент органи — акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси.*

*Бир акция учун ҳисобланган ва тўланадиган дивиденд миқдори — 180 сўм;*

*Дивиденд тўланиши керак бўлган акцияларнинг умумий сони — 128519 дона;*

*Ҳисобланган дивидендларни тўлаш усули — пул маблағлари.*


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 328
12370 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA